

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга оширганлик учун давлат божи миқдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 16 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 2 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда телекоммуникациялар соҳасида табдиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, ўтган даврда телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга доир лицензия бериш тартиби соддалаштирилди. Лицензия берганлик учун йиғимлар ва давлат божи тўловларини ягона биллинг тизими орқали амалга ошириш тартиби белгиланди.

Бирок ўзининг мустақил алоқа тармоғига эга бўлмаган ва уяли алоқа операторларида мавжуд бўлган алоқа тармоқлари орқали радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини кўрсатувчи уяли алоқа виртуал операторларига (провайдерларга) лицензиялар берганлик учун давлат божи ставкаларининг алоҳида миқдорлари мавжуд эмаслиги, шунингдек телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоёйиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатишга доир лицензия учун белгиланган йиллик давлат божларининг миқдори юқорилиги ҳамда давлат божини тўлашнинг амалдаги тартиби мураккаблиги мазкур соҳалардаги табдиркорлик фаолияти янада ривожлантирилишини чеklang қўймоқда.

Мазкур Қонун билан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига уяли алоқа виртуал операторлари (провайдерлар) томонидан кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатишга доир лицензиялар берганлик учун давлат божининг миқдори мақбуллаштирилишини, шунингдек телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоёйиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатишга доир лицензия берганлик учун давлат божининг миқдори камайтирилишини ҳамда уни йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Сенатор ва ҳаёт

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯ

Куни кеча Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи томонидан шу йил 22 — 24 май кунлари аёлларни иш билан таъминлаш, ишсиз хотин-қизларни меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш, уларни табдиркорликка жалб этиш бўйича Самарқанд вилоятида амалга оширилган

ишлар ҳолатини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугунги глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ҳар бир давлатдан шунга мос ҳолда чоралар кўришни тақозо этмоқда, десак, айни ҳақиқат. Айниқса, дунё бўйича турли бўзғунчи ғоялар яққол бўй кўрсатаётган ҳозирги шароитда эрта-миз эгалари бўлган ёшларимизни уларнинг таъсиридан асраб қолиш янада долзарблик касб этаётир. Шу боис мамлакатимизда жамиятда радикаллашув, ёшлар онгининг бузғунчи, ёт ғоялар билан заҳарланишини ва диндан сиёсий мақсадда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар рўёбга чиқариб келинмоқда.

Мушоҳада

Аммо ҳозирги шароитда фақат шунинг ўзи билан кифояланиб қолмаслик керак. Шунга кўра, диндан сиёсий мақсадда фойдаланишга қаратилган ҳар қандай урунишнинг олдини олиш бўйича ҳудудларнинг ўзига ҳослигидан келиб чиқиб амалга оширилаётган ишлар юзасидан масъул идораларга ҳам, вакиллик органлари ва жамоатчилик вакилларига ҳам зарур кўрсатма ва тавсиялар бериб бориш фойдадан холи бўлмайди. Албатта, бу борадаги фаолият мавжуд вазият ҳамда аҳоли хоҳиш-истаклари асосида мунтазам такомиллаштирилиб борилади.

Айни чоғда ёшларни ҳарбий-ватанпарвар-

лик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ҳам ҳаётий заруратдир. Ўтган йилда айрим давлатларда рўй берган бу борада қуруқ гаплардан амалий ишларга ўтиш вақти аллақачон келганлигини кўрсатиб турибди.

Шундай экан, Мудофаа вазирлиги, ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришга масъул бўлган тузилмалар, таълимга мутасадди вазирликлар ва албатта, кенг жамоатчилик билан биргаликда том маънодаги ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дхлдорлик ҳиссини ёшларимиз қалбига, онгу шуурига синдириш ишларини мутлақо янги босқичга кўтариш айни мудида. Ва бунда ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ҳамда 2023 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.



қилинганлиги, табдиркорларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилгани, текширувлар камайтирилганлиги табдиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратилгани ва уларнинг фаолияти кенгайиб бормоқда.

Ҳисобот йилининг ўзига 90,2 мингта янги табдиркорлик субъекти ташкил этилиб, легал фаолият олиб бораётган табдиркорлар сони кескин кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 30 мингтага, фойда солиғи тўловчилар сони 24 мингтага ошди. Шунингдек, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш ҳамда солиқ тўлаш маданиятини ошириш эвазига солиқ солиш базаси кенгайди.

Дунёда юзгага келган мураккаб вазият, транзит ва логистикадаги муаммолар, асосий иқтисодий ҳамкорлари-

миз бўлган давлатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши каби ҳолатлар Ўзбекистон иқтисодиётига, шу жумладан, бюджет ижроси жараёнига, пул-кредит, молия тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ўз вақтида амалга оширилган кенг қўламли ва изчил ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имкониятини берди. Хусусан, 2022 йил якунларига кўра янги ички маҳсулот ҳажми 2021 йилдагига нисбатан 5,7 фоиз, иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари бўлган хизматлар ва қурилиш соҳаси мос равишда 8,5 ва 6,6 фоиз ўсди. Шунингдек, инфляция даражаси белгиланган кўрсаткичлардан ошмади. Давлат бюджети даромадларининг ошириб (100,8 фоизга) бажарилишига эришилди.

Давлат бюджетининг хара-

жатлари, биринчи навбатда, ижтимоий соҳани ривожлантириш, бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилди. Жумладан, 2022 йилда нодавлат мактабга таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун 2 371,4 млрд. сўм ёки 2021 йилдагига нисбатан қарийб 2 баравар кўп бюджет субсидиялари ажратилган. Натижада ўтган йил якунида нодавлат мактабга таълим ташкилотлари сони 22,8 мингтани ташкил этиб, унда қамраб олинган болаларнинг сони 746 минг нафарга ёки 2021 йилдагига нисбатан 22 фоиз ортишига эришилди.

Газетамишнинг бугунги сониди сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Маҳмудованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

БРАЙЛЬ АЛИФБОСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТРАФАРЕТ НАМУНАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг муддати-дан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган мажлисида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, сайловга тайёргарлик қўриш даврида МСКга келиб тушган муурожаатлар, Президент сайловида халққаро ташкилотлардан катнашадиган кузатувчилар ва ОАВ вакилларини аккредитация қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳамда ногиронлар нодавлат ношароит ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Мажлисида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенини тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида тайёрланадиган трафарет намунаси тасдиқланди ҳамда ушбу трафаретлар билан ҳар бир сайлов участкасини таъминлаш чоралари белгиланди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси шу йил 6 — 13 июнь кунлари ҳисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлар кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида халққаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЕХХТ ДИХБнинг сайловни кузатувчи миссияси вакили ва бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 159, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 42 нафар ходими аккредитациядан ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, шу бугунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 554 нафарни ташкил этмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»)

Ўрганиш

МУЗЕЙ АШЁЛАРИ ВА КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ ҚАНДАЙ САҚЛАНМОҚДА?

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида Олий Мажлис Сенати томонидан музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юборилган эди.

Мазкур сўровга агентлик томонидан берилган жавоб дастлабки тарзда Сенат қўмитасида муҳокама қилиниб, айрим масалаларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш белгиланганди.

Шу мақсадда парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан сенаторлар, экспертлар, мутасадди вазирлик ва идоралар масъуллари, Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамда Тамарахоним уй-музейи фаолиятини ўрганди.

Ўрганиш жараёнида, асосан, музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат музейида 48 мингта, Ўзбекистон тарихи давлат музейида 260 минг атрофида ва

Тамарахоним музейида 7 мингта яқин ашёлар сақланмоқда.

2022 йил давомида бу икки музейга ташрифлар сони 72 минг, Тамарахоним музейига эса 3 мингдан ортиқчи ташкил қилган.

Ўрганиш давомида музейлар фаолияти билан бог-лик айрим муаммолари масалалар ҳам аниқланди. Хусусан, биноларнинг таъмир-таълабланиги, музей фондини бутун сақлаш учун етарли шароит мавжуд эмаслиги, ходимлар маоши пастлиги ва имконияти чекланган ташриф буюрувчилар учун шарт-шароит яратилмагани, маҳаллий кўчма кўргазмаларни ташкил қилишнинг имкони йўқлиги маълум бўлди.

Ҳозирги пайтда ушбу масалалар Сенатда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда кўриб чиқи-лиши ҳамда уларни ижобий ҳал этиш чораларини кўриш режалаштирилмоқда.

Музейларни ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Телекоммуникациялар соҳасида айрим фаолият турларини амалга оширганлик учун давлат божи микдорлари мақбуллаштирилиши муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонун телекоммуникациялар соҳасидаги, хусусан, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларини кўрсатиш ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоийш қилиш) соҳасидаги фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, телекоммуникация тармоқларининг модернизация қилинишига, шунингдек телекоммуникациялар соҳасидаги рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда; № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 816-модда) **илованинг 33-бандига** қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **«Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш»** деган сўзлар **«Рақамли технологиялар»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА



◀ Шунингдек, Давлат бюджетидан бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бириктирилган аҳоли жон бошига дори ва тиббий буюмлар учун ажратилган маблағ микдори ўртача 3 бараварга оширилиб, 2022 йилда 578,1 млрд. сўм ёки 2021 йилдагига нисбатан 368,9 млрд. сўм қўп маблағ йўналтирилди.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “темир дафтар”, “аёллар дафтери” ва “ёшлар дафтери”га киритилган 35,4 минг нафар фуқарога зарур асбоб-ускуналарни, технологияларни харид қилиш учун 2022 йилда 168 млрд. сўм субсидия ажратилди.

2022 йилда экология ва агроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан жами 6,4 трлн. сўм йўналтирилганига депутатлар томонидан икжобий баҳоланди.

Мажлисда депутатлар амалга оширилган ишлар билан бирга ўз ечимини қутаёт-

ган кўплаб масалалар мавжудлиги, уларни ҳал этиш учун Давлат бюджетидан етарлича маблағлар ажратилаётган бир вақтда айрим вазирлик ва идоралар маблағларни ўз вақтида ўзлаштирмаётганилигига эътироз бирдиришди. Хусусан, бугунги кунда гемодиализ ёки онкогематология ёрдамига муҳтохлик мавжуд бўлган бир вақтда ушбу мақсадлар учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ўзлаштирилмасдан қолган. Масалан, нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш дастури учун ҳисобот даврида ажратилган маблағлар 75 фоиз, қон қуйиш, гематология ва онкогематология хизматларини ривожлантириш дастурлари учун ажратилган маблағлар эса 80 фоиз ўзлаштирилган ҳолос.

Мажлисда халқ вакиллари Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни тўражой билан таъминлашда

бошланғич бадални тўлаб бериш учун ажратилган харажатларнинг тўлиқ амалга оширилмаганиги сабаблари юзасидан масъуллардан изоҳ сўради. Шунингдек, республика мизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинаётганилиги, бунинг учун бюджетдан маблағлар ажратилиб, имтиёз ва преференциялар берилаётганилигига қарамасдан, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан пахтачиликка томчилятиб сугориш технологиясини жорий қилишга ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилмагани юзасидан эътироз билдирилиб, томчилятиб сугориш технологиясини жорий қилиш масаласидаги сусткашлик сабаблари билан қизиқди.

Қизғин муҳокамалар давомида депутатлар Давлат бюджетини ижроси билан боғлиқ камчиликларнинг келгусида бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Ҳукуматни бюджетдан йўналтирилган маблағларнинг самарали, мақсадли сарфланиши ҳамда натижадорликка эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратишга чакириб, масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклатиш, юзга келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, очик ва ташсирчан чоралар қўриш бўйича тақлифларни ҳам илгари суришди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги иж-

роси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам қўриб қидилар.

Мажлисда тақкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётида жорий йилда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб, 2023 йилнинг I чорағида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,5 фоиз ўсган.

Ҳисобот даврида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида аномал совуқ ва энергия инкирозидан талафот қўрган тадбиркорлик субъектларига 13 трлн. сўмлик кредитлар ажратилган, 1 210 та тадбиркорнинг кредит тўлов бўйича қарздорлик муддатлари узайтирилган ва уларга солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган.

Глобал миқёсдаги сиёсий ва иқтисодий вазият билан боғлиқ кескинликлар қузатилаётган бир вақтда мамлакатимизда Давлат бюджетини барқарорлигини таъминлашга эришилмоқда. Давлат бюджетини даромадлари ҳисобот даврида режага нисбатан 102,8 фоиз ёки 1,3 трлн. сўмга ошириб бажарилди. Иқтисодиётда солиқ юкининг пасаёянлиги эвазига тадбиркорлар фаоллигининг ошиши ҳамда инвестициявий фаоллиқнинг қучайиши бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга икжобий таъсир кўрсатди.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ САЙЁР ҚАБУЛЛАРДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Яқинда сенаторлар Гулнора Маъруфова ва Назира Мухторова Жиззах вилоятида яшовчи фуқароларнинг Олий Мажлис Сенатига йўллаган мурожаатлари юзасидан сайёр қабул ўтказди. Хусусан, улар Жиззах шаҳри, Зарбдор, Шароф Рашидов ва Мирзачўл туманлари аҳолиси билан учрашди.

Мулоқотлар давомида фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф қилиш жараёнидаги иштирок этган вилоят, шаҳар ва туманлар мутасаддиларига аниқ вазифалар юклатилди. Айни чоғда 5 та мурожаат жойида ҳал қилинди, қолганларида кўтарилган масалалар юзасидан ижро муддати белгиланди ва назоратга олинди.

Ўз навбатида, сенаторлар Зарбдор туманида депутатлар, жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, қонунчилик киритилаётган ўзгартишлар ва янги қонунлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Шундан сўнг туманининг Тараққиёт маҳалласидан Сенатга мурожаат йўллаган фуқаролар билан учрашилди. Мурожаатда ҳудудда қаз тармоғи бир неча йиллар аввал узилгани ва уни қайта улашда амалий ёрдам кераклиги билдирилганди. Учрашув асносида бу муаммо республика

даражасида қўриб чиқилгандан кейин амалий ишларга ўтилиши маълум қилинди.

Сенаторлар тумандаги “Нуробод” МФЙда гулчилик ва кўчатчиликни йўлга қўйиб, 7 нафар фарзандини шу даромади орқали таъминлаб келаётган К. Жўраева томонрасида ҳам бўлди. Мулоқот давомида бу аёл гулчилик орқали оиласини, ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини янада яхшилаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сафидан чиқишга муваффақ бўлганини мамнуният билан қайд этди.

Сенаторлар шу ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, вилоятнинг бошқа маҳаллаларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар масаласига ёндашиш ва уларни ҳам муайян хунарга ўргатиш кераклигини урғулашди.

«Халқ сўзи».

кк) телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоийш қилиш) тармоқларини қуриш	– БҲМнинг 10 баравари
лл) телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоийш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш	– БҲМнинг 75 баравари
мм) телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намоийш қилиш) тармоқлари хизматларини кўрсатиш	– БҲМнинг 75 баравари

5) **изоҳ:** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Агар уяли алоқа виртуал оператори (провайдер) томонидан навбатдаги иллик давлат божини тўлаш давридан олдинги молия ийли учун қўрсатилган кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларининг қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 1,5 миллион бараваридан ошса, «э» кичик бандда назарда тутилган фаолият тури учун давлат божининг суммасига қўрсатилган кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматлари қийматининг 1 фоизи микдорида қўшима белгиланади.

Уяли алоқа виртуал оператори (провайдер) томонидан ўтган молия йилида қўрсатилган кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари хизматларининг қиймати қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда аниқланади»;

тўртинчи – **еттинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** – **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«33», «и», «кк», «лл», «мм» кичик бандларда назарда тутилган фаолият турлари учун навбатдаги ҳар йилги давлат божини ҳар чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар келгуси чорак учун тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 4-банди, 5-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошилари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 14 июнь № ЎРҚ—846

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

◀ Бу, табиийки, ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Яъни сабб-ҳаракатларимизни замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Айниқ айтидиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясида белгилаб берилган йўналишлардаги ишларни янги босқичга қўтариш, бу жараёнга фуқаролар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар жамиятимизда радикаллашув, ёшлар онгининг бузғунчи, ёт гоёлар билан захарланиши ва диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишининг олдини олишга масъул вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлиги борасида муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, ҳудудларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ишлар самарали ҳамда таъсирчан тарзда йўлга қўйилмаган. Ёшлар ўртасида бўладиган спорт мусобақалари ва қўриқ-танловларнинг қуйи босқичларини ўтказишда сусткашлик мавжуд. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга йўналтирилгандиган профилактик тадбирлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Яна бир хавотирли жиҳат шундаки, бугунги кунда Россия, Туркия ва Миср давлатларида ишлаётган ёки ўқиётган Марказий Осиё давлатлари фуқаролари орасида сохта салафийлик радикал оқимининг тарафдорлари ортиб бормоқда. Бу оқим етакчилари томонидан ягона Ислом халифалигини тузиш гоёси кенг тарғиб этилаётгани ташвишлидир.

Ҳозирда ислом дини ақидаларини бузиб, аслида ғараз мақсадларни кўзлаётган кимсалар “ҳижрат қилмаганлар кофир, кофир юрда яшамоклик куфр” деган бўлмағур фикрлар билан фуқароларни алдаб, хориждаги жангларлар тайёёрланадиган марказларга жўнатишга ҳаракат қилмоқда.

Кўриниб турибдики, бу каби ҳолатларнинг ўз вақтида олди олинмаса вояга етмаганларнинг кейинчалик экстремистик ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда айрим фуқаролар томонидан гўёки юртимизда вояга етмаганларга диний таълим олиш учун етарли шарт-шароит яратилмагани, ҳусусий диний саёбқ бериш қонун билан тақиқланганини вақ қилиб, фарзандларини араб давлатлари, айниқса, Мисрга оқонуний диний таълим олиш ва араб тилини ўргатиш учун чиқариб юбориш ҳолати кўпайиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда биргина Қоҳира шаҳрида кўплаб ўзбекистонлик вояга етмаганлар ота-оналари ва вассийларсиз яшаб, диний таълим олаётир. Ачинарлиси, уларнинг билим савияси қоникарсизлиги, вояга етмаганларга таълим муассасаларида кунига 3 соат давомида фақат диний саёбқ берилиб, дунёвий таълим берилмаслиги, куннинг қолган қисмида ушбу болалар назоратсиз қолиши ҳамда яшаш шароитлари жуда оғир аҳволда бўлиб, санитария қоидаларига мутлақо риоя қилинмаётгани маълум бўлган.

Биргина мисол. Пойтахтимиздаги



16-мактабда ўқиган, 2007 йилда туғилган фуқаро М. С. 2022 йилнинг сентябрь ойида отаси билан бирга Миср Араб Республикасига диний таълим олиш мақсадида чиқиб кетган. Ҳозирда у Қоҳирадаги ҳужралардан бирида таълим олаётганилиги маълум бўлди. Таассуфки, ота-онаси билан олиб борилган тушунтириш ишларига қарамай, уни Ватанга қайтариш имкони бўлмади.

Айтиш жоизки, бу каби қонунбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасида жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, 2022 йилда 234 нафар ота-она ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилган.

Қолаверса, юртимизда вояга етмаган болаларга тақиқланган диний адабиётлар асосида ноқонуний таълим бериш билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, 2022 йилда 564 та ноқонуний диний таълим бериш билан шуғулланиб келаётган ҳужралар ҳамда уларда 4943 нафар, шундан 3052 нафар вояга етмаган шахслар ноқонуний таълим олаётгани аниқланган.

Бошқа мутасадди тўзилмалар билан бирга аҳолига, хусусан, ёшларга энг яқин бўлган бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятидаги сусткашлик, эътиборсизлик бу каби қонунбузарликлар сони ортишига замин яратаётгани ҳам бор гап. Зотан, ҳар бир фуқаронинг юриш-туриши, ҳулқ-атвори ва улардаги ўзгаришлар, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғини фаолларига маълум бўлади. Афсуски, ҳамма маҳаллаларда ҳам бу каби жиҳатларга эътибор қаратилмапти. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган тушунча, миллий қадриятимизга айланган тамойил унутилиб бормоқда.

Шу ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг жорий йилги иш режасида “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва дин никоби остида уларни радикаллаштиришга уринишларнинг олдини олиш борасидаги устувор вазифалар” мавзусида давра суҳбати ўтказилиши белгиланган.

Умуман олганда, мамлакатимизда фарзандларнинг турли радикал ва зарарли гоёлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймасликка қаратилган муҳим чора-тадбирлар қўриб келинмоқда. Эндиги вазифамиз эса шу ишларни янада кучайтиришдан иборатдир.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофеа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Хукуқий давлат қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига таянадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдиган давлатдир.

Хукуқий давлатнинг энг муҳим

белгиларидан бири шуки, унда инсон энг олий қадрият ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, хукуқий давлат — демократиянинг ажралмас белгисидир.

Шу боис ҳам **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Маҳмудова ўз Сайёловди дастурида** бу борада қатор ташаббусларни илгари сурган.

Номзод дастуридаги суд-хуқуқ ислохотлари, энг аввало, юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигига эришишга қаратилган.

Шунингдек, номзод дастурида суд жараёнида **томонларнинг чинакам тенглиги ва тортишув тамойилини рўёбга чиқариш**, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадлари ҳам кўзда тутилган.

Мазкур устувор мақсадларни рўёбга чиқаришда эса судьялар зиммасига низоҳатда муҳим вазифа — одил судловни Конституция ва қонунлардан ҳамда адолат тамойилидан оғинмай амалга ошириш вазифаси юклатилади. Зеро, айнан суд-хуқуқ тизими жамиятда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлиги учун масъулдир.

Маълумки, яқинда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизнинг лойиҳасини шакллантириш жараёнида ҳам халқимиз алоҳида фаоллик кўрсатиб, суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид қатор таклифларини билдирди. Яқунда эса ушбу таклифлар янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топди ва халқимиз уни қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Чунки адолатли жамият, демократик, хуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган халқ борки, ўз Конституциясида инсон шайни ва қадр-қиммати, унинг хуқуқ ва эркинликларини барча қадриятлардан устун қўйишга интилади.

Жумладан, янгиланган Конституцияда илк бор Ўзбекистон Республикаси хуқуқий давлатдир, деган қоида ўз ифодасини топди. Бунинг аққол тасдиғи сифатида Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатлари оид нормалар ҳам **3 баробарга ошди**.

Бу эса бош вазифамиз барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш бўлиши зарурлигини аңлатади. Негаки, қонун устувор бўлган жамиятдагина инсон ҳуқуқлари тўлақонли таъминланади, тинчлик ва осийш-талиқ ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига ва келахатка бўлган ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Эндиликдаги вазифа — янги тахрирдаги Конституция қондаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни тараққиёт мақсадларига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-хуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини аққол ҳис этишини амалда таъминлашдан иборат.

Демак, мамлакатнинг суд-хуқуқ тизими янгиланиб бориши замон талабларига мос равишда доимий эътибор, диққат ва изчил ислохотларни талаб этадиган узлуксиз жараёндир. Шу нуктаи назардан, “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робохон Маҳмудованинг Сайёловди дастурида **“Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти!”** деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қондасига айлантириш гоёси илгари сурилган. Чунки номзод кўп йиллар суд тизимида фаолият юритаётган тажрибали раҳбар-мутахассис сифатида бу борада муаммоларни чуқур аңлаган.

Номзод инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти — **судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларида ахборот бериш амалиётини бекор қилиш** таклифини илгари суради.

Бундан кўзланган мақсад, авваламбор, Бош қомусимизда судларга оид кафолатларни ҳаётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Маълумки, ҳозирда судьяларимиз халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти юзасидан берган ахборотлари давомида ўзлари томонидан чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юртувда бўлган ва низоҳасига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилиш ҳоллари ҳам учрайди.

Янгиланган Конституциямизнинг **130-моддасида** суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, **136-моддасида** эса судьялар ҳисобдор бўлмаслиги қатъий белгиланиб, уларнинг фаолиятига аралашш омиллари конституциявий даражада бартараф этилди.

Судьялар **сонини ошириш**, уларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, **оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга** оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалалари номзоднинг диққат марказида бўлади.

Бугунги кунда иш ҳажми кўпчилиги нуктаи назаридан судьялар “вақт босими” остида бўлиб, айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказиб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Масаланинг долзарблиги қуйидаги рақамларда аққол кўринади. Хусусан, ҳар **100 миң** аҳолига судьялар сони **Германияда 24, Россияда 18 нафарни** ташкил этса, **Ўзбекистонда бу кўрсаткич 3,7 нафарни** ташкил қилмоқда. Бу муаммонинг ечимини судьялар сонини босқичма-босқич оширишдан иборатдир. Ҳозирда шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қўллаб қонунлар қабул қилинмоқда. Бундай вазиятда ҳар қандай юқори билимли ва катта тажрибига эга бўлган хуқуқшунослар ҳам қабул қилинаётган қонунларни мукаммал ўзлаштириб, қамраб олиши мушкул.

Шу боис судьялар ресурсидан оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш учун **судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини** кенгайтириш ҳам зарур бўлади.

Хорижий тажрибага мурожаат этсак, оилавий судлар **АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда** самарали фаолият кўрсатмоқда. Маълумот ўрнида, 2022 йилда мамлакатимизда **58 мингдан ортиқ** солиқ, **40 мингдан эъёд** оилавий низолар, **49 мингга яқин** вояга етмаганлар билан боғлиқ ишлар кўрилган.

Шунинг учун ҳам **ҳозирда энг долзарб бўлган соҳалар, яъни оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз**.

Жамиятда қонун асосида яшаш кундалиқ ҳаёт тарзидан айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашимиз шарт.

Дастурда суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органдан **“узоқ туриш”** стереотипини тубдан ўзгартиришимиз лозимлиги гоёси илгари сурилган. Шундай тафаккур шакллантирилиши керакки, токи ҳар қандай инсон у ёки бу хуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлса, лоқайд бўлиб, уни кўрмаганга олмасдан, балки бу ҳақда хуқуқни муҳофаза этувчи органга **хабар қилиш унинг фуқаролик бурчи эканлигини** аңлаши лозим.

Бунинг учун хуқуқбузарликка гувоҳ бўлган одамни суд ва тергов органларига овера қилиб қайта-қайта чақиравармасдан, замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, фуқароларнинг одил судловга қўмаклашишини рағбатлантириш каби усуллардан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Шу боис **Президентликка номзод Робохон Маҳмудова суд**

ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, хусусан, улар фаолиятидаги ҳали-ҳануз сақланиб қолаётган айрим эскича ёндашувларни бартараф қилиш, янада аниқроқ айтиладиган бўлсак, жазолаш тафаккурдан адолат, тенглик, эркинлик гоёларига ўтиш зарур, деб ҳисоблайди.

Янгиланган Конституциямизда ҳеч ким **суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ** ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди ва ҳаракатланиш эркинлигини чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши қондаси мустаҳкамланди. Демак, тергов органи ҳар қандай ҳолатда шахсни **48 соатдан ортиқ** ушлашга ҳақли эмас. Агар ушлаш зарурати бўлса, унда фақат суднинг қарори зарур бўлади. Бу конституциявий талаб ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлик хуқуқининг кафолатидир.

Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни **“сукут сақлаш”** хуқуқни биринчи марта Конституциямизда алоҳида мустаҳкамланди. Номзод Асосий Қонунимизга киритилган ушбу илгор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этиш тарафдори. Мамлакатимизда конституциявий меъёrlарга қатъий амал қилиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бунинг учун суд-хуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини кучайтиришга бирламчи эътибор қаратиш керак бўлади.

Ушбу йўналишда, энг аввало, ҳар бир мансабдор шахс, ҳокимият вакили, жумладан, **терговчи, прокурор, судьяларнинг** билим ва малакасини ошириш муҳим саналади.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ишончли ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёсдир.

Янгиланган Конституцияга **адвокатура бўйича алоҳида боб қилиштириш** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қадам бўлди. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги хуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш хуқуқига эга эканлиги кафолатланди. Шу билан бирга, бугунги кун амалиётига мурожаат этсак, **2023 йил 1 январь** ҳолатига кўра Ўзбекистонда **4 577 нафар** адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса сал кам **8 минг нафар** аҳолига **1 нафар** адвокат тўри келишини аңлатади. Айрим хорижий давлатлар тажрибасини шундай кесимда қиёслаганда, масалан, бир адвокатга **Исроилда 136 нафар, АҚШда 260 нафар, Германияда 500 нафар** аҳоли тўғри келади.

Табийки, кўпчилик “ҳимояловчи” деб атайдиган адвокатсиз одил судловни таъминлаб бўлмайди. Тарафлар процессуал имкониятлари тенг бўлгандагина чинакам тортишув вуҷудга келади. Шу боис **суд процессида адвокатнинг мавқеи прокурор билан тенг** бўлиши, адвокат томонидан келтирилган важлар ва далиллар суд муҳокамаси эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Айни пайтда адвокатура институтини ривожлантириш сари яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқичма-босқич қамайтириб бериб, асосан, тарафлар ўртасидаги баҳсни кучайтириш ва улар келтирадиган далилларни баҳолашга кўпроқ ургу бериш керак.

Шунингдек, “Адолат” социал-демократик партиясидан **Президентликка номзоднинг** Сайёловди дастурида **адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш** йўлидан бориш зарурлиги қайд этилган. Айниқса, адвокатура, суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа



давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини янада яхшилаш чораларини кўриш лозимлигига эътибор қаратилган.

Дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, **биринчи маротаба ёки кўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жазима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш** таклиф этилган. Чунки ҳудудларда нотариуслар фаолиятининг вақтинча тўхтатиб турилиши оқрасидан оддий фуқаролар турли овозгарчиликларга дуч келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлаётди.

Шу билан бирга, **номзод коррупциядан холи жамият йўлида халқимиз билан биргаликда қурашни давом эттиришимиз лозим**, деб ҳисоблайди. Мақсад давлат бошқарувининг барча соҳасида, жумладан, суд тизими ва хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида, таълим ва соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларда коррупцияга барҳам беришдир.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига **“Тоза қўллар” сиёсатини** сингдириш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги устувор вазифадир.

Президентликка номзод Робохон Маҳмудова ҳукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадили ишлатиш бўйича, биринчи навбатда, ўзи жавоб берадиган тизим жорий қилинишини қўллаб-қувватлайди.

Коррупцияга қарши қурашиш нафақат давлат органлари ва хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчидир. Ушбу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо мурасасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва кенг оммага етказиш борасида самарали тарғибот ишлари ташкил этилади.

Албатта, жамиятда бошқарув мукаммал бўлса, тараққиёт ва юксалиш кафолатланган бўлади. Давлат бошқаруви қанчалик аниқ ва ҳаттоликсиз ишлайдиган механизм бўлса, халқ шунчалик фаровон ва муносиб ҳаёт кечиради. Шу нуктаи назардан, давлат бошқаруви доимо янгиланиб боруви, замон талабларига монанд тизим бўлиши керак. Юқорида қайд этилганидек, номзоднинг Сайёловди дастурида **давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш** юзасидан қатор таклифлар ўрин олган.

Жумладан, маҳаллий Кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан **ишончсизлик** билдириш хуқуқини бериш таклиф этилган. Сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устида самарали назоратни таъминлашда маҳаллий Кенгашларга бир қатор ваколатлар берилди. Хусусан, ижро ҳокимиятининг маҳаллий Кенгашлар олдидан ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидандир.

Номзод ўз дастурида илгари сураётган, ҳокимларга нисбатан **ишончсизлик** билдириш хуқуқининг маҳаллий Кенгашларга берилиши эса келахатда ҳокимларнинг ўзларига юклатилган вазифани масъулият билан, ҳисобдорликини ҳис этган ҳолда бажаришини ва шу билан бирга, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш механизмининг тўлақонли татбиқ этилишини таъминлайди.

Президентликка номзод Робохон Маҳмудова **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши** тарафдори.

Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағлар ҳисобидан молиялаштирилаётган штатлар сонини мақбуллаштириш бўйича ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Номзоднинг халқ вакиллари ваколатини кенгайтиришга оид яна бир ташаббуси — депутатлар **иш вақтинчи ярмини** ўз сайловчилари билан мулоқотда ўтказишини белгилловчи тартибни жорий этиш таклифидир.

Ушбу ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши келгусида халқ билан мулоқот қилиш тизимининг янги бир механизми шаклланишига олиб келади. Зеро, ўз сайловчилари билан кўпроқ мулоқот қилган халқ вакиллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мавжуд муаммолардан яқиндан хабардор бўлиш, аниқланган муаммолар ечимини парламент имконияти ва ваколатларидан фойдаланган ҳолда таъминлаш ҳамда мулоқотлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар асосида қонунчиликдаги **“оқ доғларни”** бартараф этиш имкониятига эга бўлишади.

Номзоднинг парламент қўмиталарининг раиси ва раис ўринбосари **бир партиядан бўлишини тақиқлаш** ташаббуси ҳам кун тартибиданги муҳим масалалардан бири саналади.

Парламент қўмиталари раиси ҳамда қўмита ўринбосарларининг айнан битта партия фракциясидан шакллантирилишини тақиқлаш келгусида бошқа партия фракцияларининг парламент ишига, хусусан, турли соҳалар, йўналишлар бўйича қонун ижодкорлиги, парламент назоратига оқилона таъсирининг ошишига сабаб бўлади.

Шунингдек, номзод ўз Сайёловди дастурида давлат бошқарувида **очиқлик ва шаффофликни таъминлаш**, унда фуқаролар иштирокчини кенгайтиришнинг замонавий ва самарали усулларини жорий қилиш тарафдори эканлигини маълум қилган.

Ишонамизки, номзоднинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади! Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркин ва адолатли жамиятда, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақлидир!

Адолатли жамият ва хуқуқий давлатни биргаликда қурашимиз! Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Маҳмудова Робохон Анваровна учун овоз беринг!

Абдуқамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари.

